

## The Effect of Field Forgiveness on the Yield of Gozgan Seeds of Wheat Fedded in Different Regimes

**Bobomurodova Mohira Eshmurod qizi**

**Аннотация:** Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида кузги юмшоқ буғдой навларини ўстиришда озиклантириш режимига тўғри риоя қилиш учун минерал ўғитларни ўз вақтида бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Калит сўзлар:** кузги буғдой, Гозгон нави, озиклантириш меъёр ва муддатлари, лаборатория ва дала унувчанлик



**Кириш.** Кузги буғдой етиштиришдаги энг муҳим муаммолардан бири озиклантириш муддатлари билан боғлиқ бўлади [1; –С. 17-18]. Чунки, кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши икки этапга бўлиниб, биринчи этапи вегетатив ўсиши бўлиб, иккинчи этапи репродуктив ривожланиш даври ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ғаллани мақбул муддатларда ҳар бир минтақа шароитида минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг ўзига хос агротехнологиясига амал қилиниши зарур бўлади [2; –Б.5, 3; –Б.10].

Шу сабабли Ўзбекистоннинг жанубий қурғоқчил минтақаси ҳисобланган Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозгон навини турли муддатларда ва меъёрларда озиклантириб, унинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Буғдой ҳосилдорлиги ва дони сифати қўлланилган минерал ўғитлар меъёрлари ва нисбатларига боғлиқлиги фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаларида асосланган [4; –Б.30-32, 5; –Б.27-28]. Бирок, қўлланилган минерал ўғитлар меъёрлари минтақалар тупроқ-иқлим шароитларига мутаносиб ҳолда ўзгариб боради [6; –С.148-151, 7; –Б.25].

Кузги буғдойни етиштиришда қўлланилган минерал ўғитлар меъёрлари таъсирида биринчи навбатда донларининг биометрик кўрсаткичлари ўзгариб боради [8; –С.15-20, 9; –С.30-33].

Россиянинг Волгоград вилояти шароитида кузги буғдойни ҳар хил меъёрларда минерал ўғитлар билан озиклантирилиб дала тажрибалари ўтказган В.В.Балашов, В.Н.Лёвкин [10; –С.31-33] вилоятнинг оч тусли каштан тупроқларида минерал ўғитларнинг оптимал меъёрлари қўлланилишини таклиф этган.

В.А.Бузов ва Ю.И.Гринишкиналар [11; –С.16-18] кузги буғдойнинг минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини белгилашда ҳар хил ўғитларнинг қўлланилиши меъёрлари таркибидаги таъсир этувчи моддаси миқдори бўйича ҳар хил бўлишини таъкидлайдилар.

Кузги буғдой дони таркибидаги оксил миқдорининг қўлланилган азотли ўғитлар меъёрлари ва нисбатларига боғлиқлиги С.К.Мухаммадиев, Ж.С.Сатторов ва Ф.О.Жабаровлар [12; –Б.235-238] ишларида асосланган.

Х.Н.Атабаева ва Б.М.Азизовлар ишларида [13; -168 б.] буғдойни минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари атрофлича баён этилган.

**Тадқиқот методлари.** Дала тажрибалари 2015-2017 йилларда Косон туманидаги “Саипов Шахбоз” фермер хўжалигида тўрт такрорланишда ўтказилган бўлиб, тажриба майдончалари юзалари катталиклари 180 м<sup>2</sup>, ҳисоб майдончалари катталиклари 100 м<sup>2</sup> [14; -317 с.]дан иборат.

Тадқиқотларимиз тажриба минтақаси шароити учун мақбул бўлган октябр оyi ўртасида (15.X) кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозгон нави экилиб, кузги ўсув даврида фосфорли ва калийли ўғитларнинг тавсия этилган (Р<sub>90</sub>К<sub>60</sub>), камайтирилган (Р<sub>70</sub>К<sub>50</sub>) ва оширилган (Р<sub>105</sub>К<sub>70</sub>) меъёрлари экиш билан бирга октябр оyi ўртасида (15.X), ноябр оyi бошида (1.XI) ва ноябр оyi ўртасида (15.XI) қўлланилиб ўтказилди.

Кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозгон навининг лаборатория унувчанлиги 98 % бўлган уруғлари октябр оyi ўртасида (15.X) 1м<sup>2</sup> майдончаларга 500 донадан экилган бўлиб, кузги

ўсув даврида фосфорли ва калийли ўғитлар экиш билан бирга октябр оyi ўртасида (15.X) ноябр оyi бошида (1.XI) ва ноябр оyi ўртасида (15.XI) қўлланилди (жадвал).

**Тадқиқот натижалари.** Тажиба натижалари бўйича кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозғон нави уруғлари кузда қанча эртачи экилса қўлланилган фосфорли ва калийли ўғитлар меъёрларига ва муддатларига боғлиқ ҳолда дала унувчанликларининг тезлашиши ҳамда шунга мувофиқ ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам ошиб бориши аниқланди.

Буғдой уруғлари октябр оyi ўртасида фосфорли ва калийли ўғитларнинг тегишли меъёрлари билан экилганда 8 кундан кейинги дала унувчанлиги 82,4 % гача бўлиб, ушбу кўрсаткич фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 1 % гача юқори бўлиб, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ушбу вариантларда 35,9 ц/га гача ошиб боришини кўрсатди.

**Жадвал Турли меъёр ва муддатларда озиклантирилган буғдойнинг Ғозғон нави уруғларининг ҳосилдорлигига дала унувчанлигининг таъсири (2015-2017 йилларда ўртачаси)**

№	Кўрсаткичлар  Тажиба вариантлари	Кузги ўсув даврида (тажиба бўйича)		Баҳорги ўсув даврида (тавсия бўйича)	Уруғларнинг лаборатория унувчанлиги	Уруғларнинг унувчанликлари тезликлари  дала			Уруғлар- нинг дала унувчан- лиги, %	Ҳосил- дорлик, ц/га
		P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N		6 кундан кейин	7 кундан кейин	8 кундан кейин		
Фосфорли ва калийли ўғитлар 15.X да қўлланилганда (экиш билан)										
1	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	0	0	0	500	405	406	407	81,4	35,4
2	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	70	50	150	500	406	408	409	81,8	59,5
3	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	90	60	180	500	407	410	410	82,0	64,2
4	N <sub>210</sub> P <sub>105</sub> K <sub>70</sub>	105	70	210	500	408	411	412	82,4	71,3
Фосфорли ва калийли ўғитлар 1.XI да қўлланилганда (15 кундан кейин)										
5	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	0	0	0	500	400	403	405	81,0	35,2
6	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	70	50	150	500	401	404	406	81,2	57,3
7	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	90	60	180	500	402	405	406	81,2	61,1
8	N <sub>210</sub> P <sub>105</sub> K <sub>70</sub>	105	70	210	500	402	406	407	81,4	66,8
Фосфорли ва калийли ўғитлар 15.XI да қўлланилганда (30 кундан кейин)										
9	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	0	0	0	500	392	395	397	79,4	35,0
10	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	70	50	150	500	393	396	398	79,6	50,5
11	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	90	60	180	500	395	397	399	79,8	54,0
12	N <sub>210</sub> P <sub>105</sub> K <sub>70</sub>	105	70	210	500	396	398	400	80,0	58,9

Экиш билан бирга қўлланилган фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилиши билан суғорилиши натижасида сувда эриб, тупроқ эритмасига қўшилиши натижасида тупроқнинг агрофизик ҳолатини яхшилаши ҳисобига экилган уруғларнинг униб чиқишига билвосита ижобий таъсири бўлганлигини кўрсатади.

Октябр оyi ўртасида экилиб, фосфорли ва калийли ўғитлар тажиба вариантларида 1.XI ва 15.XI қўлланилганда буғдойнинг Ғозғон нави уруғларининг дала унувчанликларида фарқлар деярли кузатилмади. Ушбу ҳолатда қўлланилган фосфорли ва калийли ўғитларнинг буғдой уруғининг унувчанлигига билвосита таъсири ҳам кузатилмади. Лекин, кузги буғдойнинг Ғозғон нави кузда фосфорли ва калийли ўғитларнинг турли меъёрлари билан ноябр ойининг бошида (1.XI) озиклантирилганда ҳосилдорлик ўғит қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 31,6 ц/га, яъни 52,7% гача, ноябр ойининг

ўртасида (15.XI) озиклантирилганда ҳосилдорлик ўғит қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 23,9 ц/га, яъни 59,4% гача фарқ кузатилди.

Кузги буғдойнинг Ғозғон нави уруғларини Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида фосфорли ва калийли ўғитларнинг турли меъёрлари билан турли муддатларда озиклантирилганда озиклантирилмаган назорат вариантыга нисбатан дала унувчанлик кўрсаткичлари бирмунча юқори бўлишини кўрсатди.

Октябрь ойининг ўртасида (15.X) фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилмаган назорат вариантыда 1 м<sup>2</sup> майдончада экилган 500 дона уруғлик донлардан 6 кундан кейин 405 дона, 7 кундан кейин 406 дона, 8 кундан кейин 407 дона униб чиққан бўлса, P<sub>105</sub>K<sub>70</sub> меъёрларда озиклантирилган 500 дона буғдой уруғлик донларидан 6 кунда 408 дона, 7 кунда 411 дона, 8 кунда 412 донага ўсимликлар униб чиққанлиги кузатилди. Ноябрь ойининг бошида (1.XI) эса фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилмаган назорат вариантыда 1 м<sup>2</sup> майдончада экилган 500 дона уруғлик донлардан 6 кундан кейин 400 дона, 7 кундан кейин 403 дона, 8 кундан кейин 405 дона ўсимликлар униб чиқиб, P<sub>105</sub>K<sub>70</sub> меъёрларда озиклантирилган 500 дона буғдой уруғлик донларидан 6 кунда 405 дона, 7 кунда 406 дона, 8 кунда 407 донага ўсимликлар униб чиққанлиги кузатилди.

Фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилмасдан 1 м<sup>2</sup> майдончага ноябр ойининг охирида (15.XI) экилган 500 дона уруғлик донлардан 6 кундан кейин 392 дона, 7 кундан кейин 395 дона, 8 кундан кейин 397 донагача униб чиққан бўлса, ноябр ойининг охирида (15.XI) экиб, экиш билан бирга P<sub>105</sub>K<sub>70</sub> меъёрларда озиклантирилган эса 500 дона буғдой уруғлик донларидан 6 кунда 405 дона, 7 кунда 406 дона, 8 кунда 407 донага ўсимликлар униб чиққанлиги аниқланди.

Шундай бўлсада, юқорида таъкидланганидек, кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозғон нави уруғларининг дала унувчанликлари экиш билан бирга қўлланилган фосфорли ва калийли ўғитларнинг тупроқ эритмасида эришиш натижасида экилган уруғларнинг дала унувчанлиги учун тегишли агрофизик муҳит яратилишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан дала унувчанлигининг 2 % гача ошиши билан ифодалаш мумкин.

### **Хулоса**

Демак, Қашқадарё вилоятининг деҳқончилик учун ноқулай тупроқ-иқлим шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг Ғозғон нави уруғи октябр ойи ўртасида экилиб (15.X) фосфорли ва калийли ўғитлар экиш билан бирга қўлланилганда ушбу ўғитларнинг тупроқ эритмасида эриши натижасида тупроқнинг агрофизик хусусиятларини яхшилаши ҳисобига минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан дала унувчанлигини 2 % гача ошишини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Казачков А.М. Урожайность озимой пшеницы по различным параметрам. // *Зерновое хозяйство*. – Москва, №2, 2002. – С.17-18.
2. Махмудов Х. Ғаллани озиклантириш муҳим тадбир. // *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги*. – Тошкент, №2, 2009. – Б.5.
3. Имомова Р., Азимова М., Вафоева М., Қурбонназаров М. Кузги ғалла экиш меъёрлари, озиклантириш ва кўчат қалинлиги. // *Агроилм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги*

- журнали илмий иловаси. – Тошкент, №1(39), 2016. – Б.10.
4. Ирназарова Н.И. Мақбул озиклантириш буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайди. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журнали. 2018. №3(73). –Б. 30-32.
  5. Ирназарова Н. Минерал ўғитлар меъёрлари ва нисбатларининг кузги буғдой дони вазнига таъсири. Агроилм-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2(52). 2018. –Б. 27-28.
  6. Имамова Р.Т., Азимова М. Урожайность и качества зерна озимой мягкой пшеницы в зависимости от сроков и норм посева и доз удобрений. Актуальные проблемы современной наук. Информационных математический журнал. №6(97). 2017. –С. 148-151.
  7. Убайдуллаева Д.И. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида ўғитларнинг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири (Қашқадарё вилояти мисолида) к.х.ф.н. илмий дараж. талабгорлик дисс. автор. -Т.; ТАИТИ, 2011.-25 б.
  8. Акимова О.И. Формирование биометрических показателей и урожайность зерна озимой пшеницы при внесении минеральных удобрений.//Вестник Алтайского государственного аграрного университета. –Алтай, 2009. –№ 11(61). –С. –15-20.
  9. Господаренко Г., Ткаченко И. Содержание белка и клейковины в зерне пшеницы «спельта» при разных уровнях азотного питания. //Stiinta Agricola. 2013, –№2 (16). –С. –30-33.
  10. Балашов В.В., Лёвкин В.Н. Минеральные удобрения и качество зерна озимой пшеницы на светло-каштановых почвах Волгоградской области. Известия Нижневолжского агроуниверситетского комплекса: Наука и высшее профессиональное образование. 2006. –№ 4. –С. –31-33.
  11. Бузов В.А., Гречишкина Ю.И. Продуктивность озимой пшеницы на черноземе при подкормке различными формами азотных удобрений. Плодородие. –М., 2010. – №1(52). –С. –16–18.
  12. Маҳаммадиев С.К., Саттаров Ж.С., Жабаров Ф.О. Кузги буғдой навларининг донидаги оқсил тупланиши бўйича ўғитлар меъёри ва нисбатига реакцияси. «Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бошоқли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Қарши, 2018. –Б. 235–238.
  13. Атабаева Х.Н., Азизов Б.М. Буғдой. Т.: Ўқитувчи, 2008. – 168 б.
  14. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. «Колос» 1985. -317 с.